

# АДАБИЁТ И БОДАТИ

*(Шоир Шавкат Раҳмон ҳаёти ва ижодига чизгилар)*

Эй, гулим,  
Кўзларга ёшлар тўлганда  
Соямиз кўшилган дамларни эсланг!  
*Шавкат Раҳмон.*

... У юзини терс ўгирди.

– Нимага келдингиз?

Нафаси сиқилиб, бутун вужуди бўғриққан, юз томирларигача таранглашиб, тобора қорайиб бораётган дарё тошларидек захи-  
ли, уйдум-чукур юзи энди бурунгидек қоя тошни эслатмас; ўшлик  
мусаввир полотносидан боқиб турган бургут нигоҳлардан асар ҳам  
қолмаган; аёвсиз дард билан олишавермоқдан тинкаси батамом  
қурғаган; кетмончиникига ўхшаш бақувват кўлларига ботган иг-  
наларнинг сон-саноксиз излари ўрнида кўкиш-қора доғ билакла-  
рига ёйилиб, ток зангига ўхшаёзган; қадимги юнон ҳайкалтарош-  
ларининг ҳавасини келтирувчи мардонавор ва асл ўзбекона қиёфа-  
дан бир бурда эт қолган; қаттиқ ва тигиз сочларига сўнгги пайт-  
ларда туйқусдан ёғилган оқ қировлар энди қирқ олти ёшни қора-  
лаган забардаст шоирни етмиш яшар мўнкиллаган мўйсафидга ай-  
лантирган эди. «Мўйсафид» нафас ололмасди. Кўкраги тобора си-  
қилиб борар, унинг бошида изиллаб турган аёлига хона ҳавосиз-  
ликдан портлаб кетадию деразада турган ва гази чиқариб юбо-  
рилган минерал сувнинг идиши қаёққадир улоқиб кетадигандек  
туюларди. Нафсиламрини айтганда, аёлнинг назарида ҳаво факат  
хонада жон талвасасида ётган беморнинг кўксидагина эмас, бутун  
қоинотда тугаб қолгандек, энди ўзи ҳам бу кўзга ташланмайдиган  
тансиқ неъматга тўймаётгандек эди.

– Нимага келдингиз?..



Мен руҳонияти чўққилардек ўктам ва қайсар, ҳеч қачон ҳеч кимнинг наздида бош эгмаган, жисмининг ҳар заррасида мардлик, ҳалоллик, тўғрилиқ, содиқлик, эътиқод, номус ва гўзаллик яшаган шоир айна пайтдаги ҳолатига тоқат қилолмаётганини ҳис қилардим. У бундай бўлиши мумкин эмасди. Дард номардларча уни оёқдан олганига, бир қултум ҳаво учун бутун вужудини қон қақшатаётганига чидаёлмасди. Йўқ, ўлимдан кўрқадиганлардан эмасди. У бошқача ўлимни истарди ва ҳатто ўшандек бир ўлимни яширин орзу қиларди. Дейлик шеърларига ўхшаш гўзал, аёвсиз, аччиқ, фожиали ва кутилмаган ўлимни... Мен ҳеч нарсa демадим. Ҳаммаси кундек аён эди. Сўлғин кўзларининг тубида қотиб қолган «туркона» (бу унинг ибораси) битиклар ўзбек шеърятининг Алп Тегини умрининг охирги лаҳзаларини яшаётганини тасдиқларди. Бу битикларда миллат қисматининг бор фожеъ ва мусибатлари, ташқи душманлар қутқусига учиб бир-бирини аёвсиз қирғин қилган жигарлар, Помир-Олой тизмаларида қолиб кетган беғубор болаликнинг учқур хаёллари, Ўш остонасида унинг йўлларига кўз тикавермоқдан қорачиғлари йўлларга тўкилган ва ниҳоят доvon оша Тошкентга келиб, жон талашаётган боласининг ҳолсиз вужуди ёнида Худога нола қилаётган онаизор лабларининг пичир-пичирлари, самбит қоматли сулув қизларининг бўйига боқиб, уларга қаҳкашондек бахт орзу қилган аёлининг маъюс хаёллари, ягона Шохрухнинг беғубор ва содда нигоҳлари... ва яна кўп нарсалар ифодаланаётгандек эди. «Туркона» қарашлар чўғидан кул тўкилиб борар, асл «туркона» зарбдан шукуҳ кетиб бормоқда эди. Сўз айтиш, кўнгил кўтаришдек бемаънилиқ хаёлимга ҳам келмади. Жим унинг нигоҳларига боқдим ва хонани тарк этдим. Қайтиб бормадим. Энди бориб бўлмасди. Ростини айтганда, ўзим ҳам уни бу ҳолда кўришни истамасдим.

Тошкентнинг талабалар шаҳарчаси ён бошидаги онкология маркази биноси жойлашган дарахтзор ҳовлида юрган одамларнинг қиёфасида ҳам алланечук мунг бор эди. Асосан, саратон касалига чалинганлар билан шуғулланувчи духтурларнинг аҳволини тасаввур қилишга ҳаракат қилдим. Улар беморларга қандай қилиб умид бағишлашар экан? Нега чорасиз бу дард қошида ожизлигини тан олмаган табибу табобат деярли қолмади? Наҳотки, саратон ўз чангалига олган ва олаётган кишиларнинг кўз ўнгида фақат са-



ратонда куриб-қакшаб қолган биёбондан бошқа ҳеч нарса бўлма-са?... Бу нарсаларга ақлим етмаслигини билардим. Мен тобора бу дунёдаги ризки қирқилиб бораётган «ўжар шоир»нинг қисматини ўйлай бошладим. Ажал одам танламаслигига ишонсам-да, аммо бундай одамга ақалли бир оз шафқат қилиш лозим бўлган кучлар бордек туюларди. Ахир, шундай буюк қалбни яратиб, уни қандай қилиб қайтариб олиш мумкин? Унинг борлиққа ҳали қониб тўймаган нигоҳи, райҳон бўйларига бўлган гўзал соғинчи, ҳамма-ҳамма нарсага чексиз муҳаббати, қиличдек кескир орияти, ватан ва эл-юртга бўлган буюк муҳаббати ҳаққи-ҳурмати уни асрагувчи кучлар бор деб ўйлардим... Аммо, ҳамма ва ҳамма нарса саратоннинг қаршисида ожиз эканлигини ошкор тан олдилар.

Шеърни том маънода ҳар нечук тутқунликдан озод қилган, ҳар қандай зоҳирӣ сарҳадларни бузиб ташлаган, сўзга жон бағишлаш санъатини яратган, сафсата, қасидавозлик, маддохлик ва куруқ баёнчилик, арзон панд-насихат, маталнамо сўзамоллик, файласуфлик, риторика ва ҳайқириқлар карнай-сурнайларини адабиёт майдонидан ҳайдаб солмоқчи бўлган, янги ўзбек шеърияти мактабини бунёд этган, жонли тилнинг бор имкониятларини амалда қўллай олган, рамзий ифоданинг кироли, мажоз танлаш, жиловсиз эҳтиросни сўз билан бўйинсундиришни илк бор жорий қилган ва яланғоч ҳақиқат туйғусига илоҳийлик либосини кийдирган сўз сеҳргари омонсиз дард чанғалида сурункасига уч юз олтмиш олти кеча-кундуз олишиб, ҳали тугалланмаган шеъридек жон таслим қилди. Балки Паганини шундай жон бергандир, балки Машраб ҳам шундай ҳолатда дор остига боргандир. Балки Лорка... Аммо улар ўз аҳволидан «хижолат чекмаган». Дор тўшак эмас. У буни яхши биларди ва қачонлардир, жангда қурбон бўлиш ҳақида сўйлаганди. Энди эса, бир култум ҳаво ҳам йўқ, борлиқ олам гулдираб, вқат ва Сулаймон тоғларида тошлар ҳам нафас оляпти. Дарёлар шовиллаб, мирза тераклар Ўш кўчалари бўйлаб солланиб, ютоқиб нафас олмоқда, майса ва гиёҳлар, қурту қумурсқалар, илону чаёнлар ҳам нафас оляптилар. Фақат у... бир култум нафас олиш учун бутун вужуди билан тиришиб, зўриқиб азоб чекади.



Нодиражон, Шоиражон,  
Танам қимир этмайди,  
олис-олис воҳалардан  
тоғларимни чақиринг  
осмон тўла ҳаволар  
фақат менга етмайди.

Нодиражон, Шоиражон,  
Танам қимир этмайди,  
кўзимда бир томчи ёш,  
сойлар ювса кетмайди.

Нодиражон, Шоиражон,  
Танам қимир этмайди,  
Пешонамнинг шўридан  
Бино бўлган бу дарё...  
Осмон тўла ҳаволар  
Фақат менга етмайди.

Нодиражон, Шоиражон,  
Танам қимир этмайди,  
Боринг, қорли тоғларга:  
Бир шоир ётибди денг  
Худонинг ҳовлисида...  
Осмон тўла ҳаволар  
Фақат менга етмайди...

У атрофида саркаш анҳорлар бўйидаги худруй гулларга кўниб юрган ниначилардек қизларига нима демоқчи? Наҳот «осмон тўла ҳаволар» фақат уларнинг отасигагина етмайди? Нега фақат у бутун борликда сиқилиб ётган ҳавога тўймайди ва ҳансираб нафас олмоқчи бўлади. Ололмайди. Бўғриқади. Йўталади. Ҳаво жон бўлганда эди, ҳаво ҳаётнинг ўзи бўлганда эди, уни бермоқ осонроқ кечарди, аммо ҳаммага етган ҳаво фақат унгагина етмайди. «Худонинг ҳовлиси» қаер? Дунёми? Касалхонами? Худонинг кенг даргоҳига сиғмаётган шоир энди унинг «ҳовлиси»да ётибди. Бу даргоҳ эмас, қўргон эмас – ҳовли. Бу ҳовлидаги дарахтлар шохи-



дан чарсиллаб узилаётган япроқлар қисмат фаррошининг супургисига илашади ва ҳовлидан четга супурилади. Кимдир унга ўт кўяди. Бурқсиб ёнаётган баргларнинг аччиқ тутуни «Худонинг ҳовлиси»ни тарк этади. Аслида ҳаммамиз бу «фаррош» оёқлари остидаги суприндилармиз. У бизни ўзининг аёвсиз кўллари билан улоқтириб ташлайди. Бироқ ҳаётбахш нигоҳларидан сўнмас ишқ нурлари таралган, юрак-бағри гўзалликка тўла, азалдан зил-замбил қисмат юкини ўз елкасига олиш масъулияти билан яралган, одамларга фақат яхшилик тилаган, ҳамма нарсага шафқат ва муҳаббат билан муносабатда бўлишга буюрилган, ягона илоҳий имконият – сўз қудрати билан инсонлар ҳаётига мазмун бахш айлаган шоир шу кўйга тушадими? Наҳотки ундан ҳавони қисинишди? Наҳотки...

Манзура опа, бирор нафаси ҳалол дуохон бўлсайди, деди овози титраб. У кейинги кунларда қарийб эрининг аҳволига тушиб қолганга ўхшарди. Ўшандек эти бориб суякка ёпишган, ўшандек юз-кўзлари куюк ва дардли, ўшандек синик. Хаёлимдан Саййид Неъматуллоҳ Иброҳим ўтди. Шогирди. Даланинг одами. Нафас ололмаётган устозига Кўктош томонлардан, Рангон тоғларидан, азиз-авлиёларнинг марқаду мазорларидан, Иброҳимбекнинг тулпорлари кишнаган дала-даштлардан устози учун тоза ҳаво олиб келади, ўйладим мен. Аммо...

Уч юз олтмиш олти кеча-кундуз энг аламли шеърга айланди ва назаримда, ўтган асрнинг энг фожиали мусибати содир бўлди. Бир кучоқ устухонга айланган шоирга дунё нафас бермади. Энди қирк олти ёшга тўлган забардаст чинорнинг улкан япроқлари бир-бир узилди ва қалқиб-қалқиб ерга тўшала бошлади.

Коридорда дуч келган Тоҳир ака «Шавкат ўтибди», деди. «Шоира кетди...»

Мен Ҳофизга кўнғироқ қилдим.

– Кўчага чиқиб туринг. – Доимий асабий овоз титради.

Кўча. Одамлар ўша-ўша шўх-шодон. Қаёққадир шошган, қаёқдандир шошиб келаётган. Кимдир редакцияларга шеър элтипти ва энг буюк шеър жон таслим қилаётганини билмайди. Кимдир мақоласи қаҳрамони билан суҳбат курмоқда. Мошиндан тушиб таҳририят биносига йўл олган машҳур танқидчи қатагон қилинган адиблар ҳақида мақолалар ёзади ва у ҳам қаердадир Сибир



ёқда, қандайдир ГУЛАГларда эмас, бир чақирим наридаги касалхонада буюк ўзбек шоири жон узаётганини билмайди. Қаёқдан ҳам билсин?

Есениннинг бир ҳолати эсимга тушди. 1922 йил. Берлин. Есенин Ойдинбоғда М. Горький билан учрашади. Ойдинбоғ айқириб ётибди. Одамларнинг бахтиёр кулгулари атрофни тутган. Ким музқаймоқ шимади, ким алвон пуфагининг бандидан тутиб чопади. Ошиқ-маъшукларнинг қайноқ бўсалари.

– Менга, – дейди М. Горький мутлақо руҳсиз Есенинга, – анови ит ҳақидаги шеърингизни айтиб берсангиз. Кучуклари нобуд бўлган ит...

Есенин «Қуёш ўйнар жавдар хирмонда...» деб бошланувчи ва шафқатсиз соҳиби етти нафар кучугидан жудо қилган она итга бағишлаган маънос шеърини ўқийди. Россияни ларзага солган шоир мана бу сатрларни ўқиётиб беихтиёр Горькийга назар ташлайди. Буюк пролетар адиби йиғлаётган эди.

Ботқоқлардан кечиб ўтди лой,

Оёқлари толди, уринди.

Том устида қалқиб турган ой

Боласига ўхшаб кўринди...

Шўрлик яна боласин сўраб,

Кўкка боқиб увлади хаста.

Янги ой ҳам аста гилдираб,

Тушиб кетди уфқдан пастга.

Бечорага эрмаклаб, кулиб

Нон ўрнига отишгандек тош,

Ит кўзидан юлдузлар бўлиб,

Қорга окди томчи-томчи ёш...

*(Эркин Воҳидов таржимаси).*

Есенин шеърни тугатиб, Горькийга юзланди:

– Нима дейсиз, шеърият, умуман, менинг шеърларим керакми? Ойдинбоғ Шиллерсиз ҳам маза қилиб яшайпти?..

Буюк пролетар адиби Есенин нималарни назарда тутаётганини биларди. Ҳали шеър таъсиридан қутулмаган адиб ҳеч нарса демади.



Машина йўл четида тўхтади. Орқа ўриндикда чопон, ҳаракат маромини ўзгартирадиган дастак ёнида бир даста пул.

– Кутилибди, – деди Ҳофиз паришон. – Мен ҳаётимда бунақа тўғри одамни кўрганим йўқ. Тўғрилиқ фақат Худога хос экан, бандага эмас...

Шавкат Раҳмоннинг ўлими ҳақида Тоҳир Маликка етиб келган хабар бемаҳал бўлиб чиқди. Ўшанда Шоира (шоирнинг ўртанча қизи) «Робита» журналида ишлар, Тоҳир Малик журнал бош муҳаррири эди. Шоир оғирлашиб қолган кун кимдир Шоирани зудлик билан касалхонага чақирган. Эҳтимол бояги совуқ хабарнинг тарқалишига Шоиранинг таҳририятдан йиғлаб чиқиб кетаётгани сабаб бўлгандир?..

Биз касалхонага кириб борганимизда аллақачон дўстлар ўша ерда жам эдилар. Мирза Кенжабек калима қайтарар, Манзура опа бутун жисмига турли хил тиббий воситалар боғлаб ташланган умр йўлдошининг бошида нима қиларини билмай жонҳалак айланар, қизлар бир бурчакда мунғайиб туришар, духтурлар, дўст-ёрлар, қариндош-уруғлар... Ҳофиз ич чўнтагидан мўъжаз Қуръонни олди ва менга узатди. Мен уни варқаладим ва «Ёсин» суръасини топиб, тиловат қила бошладим. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, духтурлар беморнинг аҳволи биров ўнганганлигини айтишди ва иёдатга келганларга рухсат беришди. Соат кеч ўнлар эди. Биз қайтдик. Йўл-йўлакай Набижон Боқий аллақандай ноёб дори ҳақида гапира бошлади. Энди кулоқларимга на дори, на дармон кирмас, назаримда шоир энг сўнгги нафасларини олаётгандек туюларди. Менга сакарот лаҳзалари таниш эди. Бундай пайтда одамнинг нафаси гарғарага айланади. Жон ҳалқумга келиб, қалдирай бошлайди. Юрак уриб туради, жон томоқ остида лаҳзаларни санайди. Умр чегарасига довури қалдираб овоз чиқаради. Руҳ танадан жудо бўлиб, мия фаолияти тўхтайди. Жон ўлчаб берилган нафас тугамагунча чиқмайди.

Эрта тонг, соат бешларда телефон жиринглади. Набижон Боқий Шавкат Раҳмоннинг оламдан ўтганлигини айтди. Шоирнинг Қорасув даҳасидаги бешинчи қаватда жойлашган квартирасида одам гавжум эди. Хона тўрига ётқизилган шоир жасади ниҳоят Ҳофиз айтганидек, бу дунёнинг бор ғам-ғуссаларидан кутилиб осуда ва тинч ором оларди. Кимдир айтганидек буюк тўфон тинганди.



Энди ҳаммаси тугади. Ҳаммасига нуқта қўйилди. Бир чеккада Набижон Боқий ва Иқбол Мирзо қон бўлиб йиғлар, бир чеккада Мирза Кенжабек шоир жисмини Тошкентга дафн этиш ёки Ўшга олиб кетиш тўғрисида баҳслашар, дераза ёнида ётган шоир гўё мана бу сатрларини ўқиётгандек, аммо ҳеч ким бу сатрларни эшитмаётгандек эди.

Айт, эй хаста булбулим,  
Ўшга қачон етамиз?  
Яшил боғлар сарғарди,  
Мағиз бўлди гужумлар.  
Ох, вой мунча йўл оғир,  
Булбулим...  
Улкан соат ўртасида  
Мадорим йўқ юрмоққа,  
Қашқирлар даврасида  
Судраламан турмоққа.  
Шунда қолиб кетсам гар  
Нетамиз?  
Абадият оралаб  
Ўшга қачон етамиз?  
Қорли тоғлар бағрида  
Бегим – Ўшим кўринди,  
Султон – Ўшим кўринди...

Бу унинг энг сўнгги васият шеъри эди. Аммо ҳозир ҳеч ким шеър ҳақида ўйламас, «Худонинг ховлиси»ни тарк этган бетакрор ўзбек шоирининг бемаҳал ўлими барчани эс-ҳушдан жудо қилганди..

Шоир Тошкентнинг Қорасув мавзесидаги Яланғочота мазорига дафн этилди. Бутун аҳоли кўчиб чиққандек, одамлар кўчаларга сигмас, мошинлар саф-қатор бўлиб, Яланғочотага томон йўналди. Гўё осмон, гўё борлиқнинг ўзи мотам тутаётгандек, гўё у севган япроқ ва гиёҳлар, қушлар ва еллар, жажжи-жажжи болалар, тупроқ ва тошлар, бутун борлиқ мотамга чулғанган, одамлар сафига ошиқаётган, жаноза намозини адо этиш учун масжид саҳнига жам бўлаётгандек туюларди. Муҳташам қабристон улкан му-



зейни эсга солар, турли ёшда дафн этилган марҳумларнинг бюст ва ҳайкаллари, анвойи тусдаги мраммларга ўйиб солинган тас-  
вирлари, сердарахт қабристонни марҳумлар галереясига айлантир-  
гандек эди.

Шавкат Раҳмон оламдан ўтди. Қорасувни бошига кўтариб,  
«Ўғлимни Ўшга олиб кетаман», деб йиғлаган она охир қизларнинг  
раъйига қарши боролмади. Рози бўлди... Не-не улуғларни бағри-  
га олган Тошкент шоирни ўзига чорлади.

Ҳали шоир тириклигида Ёзувчилар уюшмаси ҳавоси тоза, тинч  
деган мақсадда Дўрмон боғидан дала-ҳовли ажратган эди. Вафо-  
тидан кейин дала-ҳовли қандайдир вазирга бўшатиб берилди.  
Ниҳоят, шоир ўлимидан бир йил ўтганидан сўнг чоп этилган «Сай-  
ланма»сини тушларида кўра-кўра охират диёрига сафар қилди...

xxx

Адашмасам, 1986 йил эди. «Шарқ» матбаа уйига қарашли муҳ-  
ташам бинонинг олтинчи қаватида адабиётимиз келажагига сидқ-  
идилдан хизмат қилган давлат раҳбари ва адиб Ш. Рашидовнинг  
шахсий ташаббуси билан ташкил қилинган, қисқа муддатда ўзбек  
матбуотининг кўзгусига айланган «Ёшлик» журнали кўчиб келди.  
Журналнинг шеърият бўлимини бошқариш ёшлар адабиётининг  
энг пешқадам вакили, саксонинчи йиллар шеъриятига тоза ҳаво  
олиб кирган ва ҳақиқатда бадиий ислоҳот дейишга лойиқ кашфи-  
ётлар яратаётган Шавкат Раҳмоннинг зиммасига юклатилди. Жур-  
нал бош муҳаррири, мумтоз ўзбек шоири Эркин Воҳидов адашма-  
ганди. Устоз шоир ортидан келаётган навқирон авлоднинг ҳамма  
ҳавас қиладиган бетакрор вакилига бежиз тўхтамаганди. Журнал  
саҳифаларида ўша пайтда бадиий ислоҳотчилик йўлига тушган  
шоирлар ижодига, жаҳон шеъриятининг энг нодир намуналари,  
янги серреалистик оқимнинг турли шакл ва услублари, умуман,  
янги ўзбек шеъриятига кенг ўрин берила бошлади. Француз, Бол-  
тиқбўйи адабиёти, испан ва япон шеъриятидан амалга оширилган  
энг охирги таржималар ҳам журнал саҳифалари орқали кенг ки-  
тобхонларга етиб борди. Бугун бордию «Ёшлик» журнали бўлма-  
ганда саксонинчи йиллар адабиёти нақадар ғариб бўлиб қолиши-  
ни тасаввур қилиш қийин эмас.



Тошкентга янги келган кезларимиз. Шеърдан бўлак дардимиз йўқ. Қишлоқда қолиб кетган бола-чақа, эшик-элик, мол-ҳол, азизлар, эл-уруғ – тақдирга ҳавола қилинган. Улар нима билан яшаб, қандай кун кўраётганини Худонинг ўзи билади...

«Ёшлик» журнали ёшлар адабиётининг меҳробига айланди. Журналнинг талаби қаттиқ. Қилни қирққа ёрадиган нуктадон муҳаррирлар, сўзни минг кўйга соладиган шоирлар, шеърят ҳақидаги мунозара ва баҳслар, давра суҳбатлари... Эҳтимол етмишинчи-саксонинчи йиллар адабиётининг энг сара намуналари, умуман, мустақиллик учун кураш даври адабиётининг оёққа босиши, ҳеч бир қолипга тўғри келмайдиган исён тўла шеърлар, насрий асарлар ва ўнлаб истеъдодли ёшларнинг адабиётга кириб келишида ҳеч бир нашр «Ёшлик» журналичалик катта рол ўйнамагандир. Ҳамма ана шу «меҳроб»га бош урган. Шеър ва шоирликнинг мақоми ҳам «Ёшлик» журналининг мезони билан ўлчанади. Тожикистондан келган биз каби мусофир қаламкашларга бу қадар нуфузли журнал эшигига бориш нима эканини тасаввур қилиш қийин эмас. Қайси эшикка бош суқсангиз ҳеч кур бир марта «Қаердансиз?» деб сўраш, албатта, бор. «Ҳаҳ, – дейди қаерданлигингизни билган шўринг кўрғур ичида, – ўзимизникилар етмай турганди...» Сира эсимдан чиқмайди. Тошкентга келганимнинг тўртинчи йили эди, чамаси. Шундай тоифа адиблар пайдо бўлдиларки, улар ўзбек адабиётини, албатта, Ўзбекистонда туғилган адибларгина яратиши керак, деб даъво қила бошладилар: «Поездга осилиб келганларга йўл йўқ!» Улар ҳатто ҳазрат Навоий қаердадир Афғонистонда яшаб ўтганлиги ва Ҳирот Тошкентдан хийла узоқ бўлса-да, у зотга бутунтуркий адабиётнинг тамал тошини қўйишларига монъелик қилмаганини тушуниб етишмасди. «Маҳаллий қаҳрамон»лар сирасидан, ўнлаб китоблар муаллифи бўлмиш адиблардан бири кўзларимга тик боқди ва ашаддий душмани билан ниҳоят юзма-юз келгандек: «Қачон кетасан?» – деди нафрати ичига сиғмай. Мен «Қаёққа?» дедим унинг мақсадини сезиб турсам-да. «Ватанингга!...» – деди адиб ҳеч андиша қилмай. У негадир ҳатто ижара уйи ҳам йўқ, бола-чақасини қишлоққа қийратиб ташлаб келган мендай бир нотайиннинг сиймосида гўёки унинг ўтирган ўрнини торайтириб кўяёзган оддий мусофирни эмас, нақ босқинчини кўриб тургандек эди. Бунга ўхшаш «Қачон кетасан»ларни кейинчалик яна кўплаб



адиб ва шоирлардан эшитдик. Тафаккури маҳаллий доирадан тажовуз қилмаган бундай кимсаларнинг уруғ-аймоқчилиги, «ўзиники»ни кўтар-кўтар қилиб, «бегона»ларни оёқ остига олиб эзгилашлари оддий ҳол эканлигини англаб етиш учун ҳали йигирма-ўттиз йил «бегоналарча» яшаш керак эди. Ва шундай яшадик ҳам... Сут билан кирган бу мудҳиш фожиа – касалликнинг даво топишига менинг кўзим етмайди. Эҳтимол жисму жони, руҳонияти пок, ўзлигини англаган, ақалли, ҳаммамиз бир Ота, бир Онанинг фарзанди эканлигимизни тушунадиган насллар келар, улар тили бир, наслу насаби бир, ирқи бир, аммо тарих тақозоси билан бошқа-бошқа сарҳадларда яшаётган миллатдошларини юзига тупурмас, уларнинг бетига эшикларини қарсиллатиб ёпмас, кўкрагидан итариб юбормас. Бизнинг ягона миллий фожиамиз худди ана шу – айни зиёлиларнинг маҳаллийчилиги эканлигини англаб етмагунимизча бир одим ҳам илгари босолмаслигимиз аччиқ тарихий ҳақиқатдир.

Хуллас, «Ёшлик» журнали навқирон қалам аҳли топиниб борадиган гўшага айланди. У чокларда шеър бозори бугунгидан чандон қизгин эди. Ёзувчилар уюшмасида ўтадиган шеърят кечалари байрам тусини оларди. Афишалар, мухлислар, талабалар. Аммо, афсуски, бугун бу гўзал анъаналар йўқолиб кетди. Бугун биров уюшма идораси қаерда жойлашганини билмайди. Уюшма йилда бир мукофот тақсимлайдиган ва йилда бир кур назр-ниёз тарқатадиган аллақандай хайрия жамғармасига айлангандек.

Шавкат Раҳмоннинг «Ёшлик» журнаliga ишга келганини эшитиб, дўппимизни осмонга отдик ва ҳеч кутдирмай, бир даста шеър билан редакция биносида ҳозир бўлдик. Бугун ўша кунларни ўйлар эканман, ёш қаламкаш учун шеър кўтариб, таҳририят остонасидан ҳатлаб ўтиш нақадар машаққат эканлигига яна бир бор иқрор бўлдим. Худо ёрлақаб, остона ортида ўтирган одам шеър у шоирлик билан алоқадор бўлса ва энг муҳими, инсоф-диёнатсиз бўлмаса, хўбу хуб, бордию у шеърни тушида ҳам кўрмаган, устига-устак ўзига қаттиқ бино қўйган ва таҳририятда ҳам «шоирона» кайфиятда ҳаммага қовоқ уйиб юрадиган тоифалардан бўлса, худо урди. Мен нега бу ҳақда сўзлаяпман. Зотан, ҳали эрта болаликдан таҳририят остонасига қоқилавермоқдан жонбезор бўлган оддий бир қаламкаш сифатида бу нарсанинг қандай машаққат эканини чуқур ҳис қиламан. Сен стол қаршисида қалтираб ўтирасан.



Шеърингга истамай назар ташлаб ўтирган совуқ ва камгап одам лоқайдлик билан қоғоз устига кўз югуртириб бўлгач, чўнтагидан сигарет чиқариб лабларига кўндиради. Аммо дабдурустдан чекмайди. Бироз тамшанади. Яна кўлига олади. У ер-бу ерини текислайди, бармоқлари орасида думалатиб кўради, ҳидлайди ва ниҳоят пов этиб гугурт ёқади ёки бўлмаса, ялтироқ ёндиргичини пориллатади-да, бир кўзини қисиб чуқур нафас олади. Бу таҳририят ходимларига хос ҳолат. Сиз ана шундай сунъий тасқараларга дуч келавермоқдан жондан тўйгансиз ва уларнинг турқини кўрганингиз заҳоти шеърдан ҳам, шоирликдан ҳам кўнгилсиз бўлгансиз. Айниқса, бадмаст шоирлар ҳузурига келган ҳаваскорларнинг аҳволига вой. Уларнинг «буюк»лиги, «бетакрор»лиги, «ягона»лиги ҳақидаги суюқ ва бемаъни даъволари ҳафсалангизни пир қилади.

Мен таҳририят эшиги қошида тин олдим ва силлиқ ишлаган эшикни секин қоқдим. «Киринг», деди ичкаридан алланечук таниш овоз. Дунёда шундай одамлар бўладики, сиз уларни илк марта кўриб турган бўлсангиз ҳам, кўхна кадрдонлардек туюлади. Уларнинг овози, юз-кўзларидаги иссиқлик сизни ўзидан итариб ташламайди, аксинча оҳанрабодек тортади. Шавкат Раҳмонни билганлар уни ғалати, томоғига сирғалганнамо чиққувчи салмоқдор овозини яхши эслашади. Одатда ўзига қатъий ишонган одамларнинг овозида шундай салмоқ бўлади. Улар овозларини баралла қўйиб, виқор ва ишонч билан гапирадилар. Табиатига кўра Шавкат Раҳмон камгап одам эди ва ҳамма билан очик-сочик гаплашавермасди. Чехрасидаги ажиб дилбарлик хусусида уни илк бор кўрган бошқа миллат кишиларидан ҳам кўп эшитганман.

Хуллас, «Ёшлик» журнали эшигини қоқдим. Шеърый туркумлари ёнида қуюқ сочлари текис таралган, ўткир нигоҳ, юз тузилиши ниҳоятда бежирим ва негадир хамиша оппоқ қўйлак ва галстукда сувратга тушгувчи гўзал шоиримни танирдим. Унинг шеърлари аллақачон ўзи ҳақидаги бор гапларни айтиб бўлган эди.. Ўша йиллари чоп этилган «Уйғоқ тоғлар», «Гуллаётган тош» китобларининг муаллифи, ҳақиқий шеър устаси, қуйма сатрлар кашшофи, шеърни ойлаб чайнамасдан бир нафасда тўкиб ташлаш мумкинлигини амалда исбот қила олган, рангнинг сувратини, ҳолат ва манзараларнинг нақшини сўзлар билан аслидагидек тасвирлайдиган, борлиқни кутилмаган, кўрилмаган, бошқа бир олам воси-



тасида акс эттира билган, ҳар қандай ижтимоий дардни лирик фо-  
жнавийлик билан қоришиқ ҳолда акс эттирадиган, миллий хослик-  
нинг янгича усуллари яратган, умуман, шеъриятимизга янги, ку-  
тилмаган ҳаво олиб кирган шоир ўрнидан туриб менга пешвоз  
чиқди. Ҳаётимда бу қадар самимий «тахририят ходими»ни кўрма-  
ган мендек бир қаламкаш тош қотдим. Бу Шавкат Раҳмоннинг  
ўзи эди. У худди сувратларидаги каби самимий ва ҳаққоний эди.  
Негадир шундай бўлишини билардим. Одамнинг суврати алдамай-  
ди. Кўз ҳеч нарсани яшира олмайди. Думалок юзлари, тигиз қош-  
лари, доим кулиб турувчи нигоҳи, қуюқ ва текис таралган сочла-  
ри, спортчиларникига ўхшаш кенг елкаси, чиройли гавдаси, бежи-  
рим кийинишлари ҳатто оёқларидаги сарғиш чарм туфлиси унинг  
покиза ва гўзал тийнатидан дарак берарди. Уялинқираб тургувчи  
кўзлари, хижолатомиз жилмайишлари менга далда бўлди. Одамга  
елка оша қарайдиган, доҳиёна муомала қиладиган, кўришгиси кел-  
ган тақдирда ҳам қўллари шопдек чўзадиган, ўзини мутафаккир  
эканлигини ҳар бир ҳаракатлари билан тасдиқлаб турувчи, носа-  
мимийлиги ҳатто ҳар бир тук сочида уфуриб турган, лаб-лунжла-  
ригача кибр-ғурур билан бўялган зотларни кўравериб безор бўлган  
қаламкаш фавқуллодда самимий ва дилкаш одамнинг қаршисида ту-  
рардим. Менинг шеър олиб келганимни билгач, қошлари хиёл чи-  
мирилди, нигоҳлари ўз-ўзидан жиддийлашди ва стулга ўтиргач:

– Қани олиб келган бўлсангиз кўрсатинг! – деди.

У қораламаларимни узоқ ва ниҳоятда диққат билан ўқиди. Кей-  
инчалик ҳам мен унинг ҳеч қачон ҳеч бир нарсага лоқайдлик билан  
муносабатда бўлмаслигига иқрор бўлганман. Айниқса, шеърят  
масаласида у ҳеч ким ва ҳеч нарса билан муроса қила олмасди.  
Адабиёт унинг учун ибодатдек муқаддас эканини кейинча англаб  
етдим. Ниҳоят у бошини кўтариб:

– Қаердансиз? – деди. Негадир кўзлари остидан диққат билан  
тикилиб.

– Тожикистондан...

– Агар шеърни деб келган бўлсангиз, майли. Аммо бошқа нарса  
учун келган бўлсангиз... сарсон бўлганингиз қолади. Мен ҳам му-  
софирман...

Индамадим. Кўзларим олдида тўрт-бешта шеъримни танлаб  
олди ва «Буларини чиқарамиз» деди ўша-ўша оҳангда. Ўзимда йўқ



шод эдим. Наҳот бирданига тўртта-бешта шеърни чиқариш мумкин. Нега у шеърларнинг бадий камчиликлари, эстетик талаблари ҳақида гапирмади деб ўйладим. Ахир, бу таомил-ку. Наҳот эстетика ҳақида сафсата сотмайдиган шоир ҳам бўлса, наҳот бир соат насихат қилганидан сўнг, ароқ олиб бермасанг бўлмайди, демайдиган шоирлар ҳам бор, наҳот шеърларингизни ташлаб кетинг, фалон кун, фалон ойда келасиз демайдиган одамни учратиш мумкин?.. Ҳайратимнинг чеки йўқ эди. Ростки, ўшадан менда бу инсонга нисбатан бир одамий меҳр уйғонди. Тошкентни севиб қолдим. Шундай одамлар яшайдиган шаҳардан ҳайдаб солсалар ҳам кетмайман дедим, ўзимга ўзим. На ижараларнинг ижаралиги, на очлик, на ишсизлик, на паспорт билан боғлиқ абадий муаммо, на касаллик, на мусофирлик, на болалар соғинчи, на кампир бувимнинг ташвишлари энди мени йўлдан қайтариб, Кофарниҳон соҳилларига олиб кетолмас эди. Тошкент нон шаҳригина эмас, балки тўғри одамлар, ҳалол шоирлар яшайдиган шаҳар эди. Мен «Ёшлик» журнали таҳриритияга тез-тез қатнай бошладим. Азбаройи шеърларим учун эмас, балки Шавкат Раҳмонни яна бир бор кўриш учун. Бу одатга айланди. Паспорт билан боғлиқ муаммо ҳал бўлмагани учун ҳали ҳеч қаерда ишламасдим. Баъзан-баъзан Нурали Қобул берадиган таржималарнинг қалам ҳаққи ёхуд унинг ўзи конвертга солиб тутқазадиган пул билан тирикчилик қилардим. Кутилмаганда Шерали Жўраевнинг Оралиқ кўчасидаги уйига кўчиб ўтдим ва ишларим биров юришиб кетди. Мен ҳамон «Ёшлик» журналига канда қилмай бориб турардим. Кўп ўтмай журналда шеърларим чоп этилди, аммо Шавкат Раҳмон Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг шеърят бўлимига мудир сифатида ишга таклиф қилинди.

Шоир «Ёшлик» журналида амалга ошира бошлаган ниятларини адабиётнинг катта даргоҳида давом эттирди. Нашриётнинг шеърят бўлими ёш шоирларнинг ҳақиқий синов майдонига айланди. «Шоирнинг биринчи китоби» туркуми ташкил қилинди. Жаҳон адабиётининг янги-янги намуналарини таржима қилиб, нашр этиш йўлга қўйилди. Шавкат Раҳмон хира адабиёт намуналари, ўша даврда авжига минган ҳалтурачилик, маҳманданалик, кўтара минбар шеърлари, бақирик-чақириклар, саёз ва савиясизликка қарши ошкора уруш эълон қилди. Шеърлари ҳеч бир таҳри-



рият дарвозасидан қайтмаган ва аллақачон классик бўлиб қолган адиб ва шоирларнинг улкан китоблари қайта таҳрирга қайтарилди, том-том китоблар чиқарган шоирлар кўлёзмаларини ҳафсала билан ўзлари ўқишга тутиндилар. Таҳририятлар эшигини тепиб очдагина жанговар шоирлар бунга тоқат қила олмасдилар. Улар Шавкат Раҳмонга тўрт томондан ҳужум уюштира бошладилар. Дастлаб беморлик тўшагида ётган Анвар Исроилов номидан «Қишлоқ ҳақиқати» газетасида очик хат эълон қилинди. Негадир адабиёт газетасида эмас, қишлоқ ҳаёти билан шуғулланадиган газетада шеърият ҳақидаги мактубнинг босилиши ғалати эди. Унда шоир инсофсизлик, ноҳолислик, шеърият ва шоирларни писанд қилмасликда айбланар, боз устига мактуб узоқ йиллардан буён тўшакка михланган бемор шоир номидан уюштирилган эди. Шеърлари нашрдан қайтган шоирлар бу билан чекланиб қолишмади. Улар Шавкат Раҳмон ижодидан миллатчилик ғояларини тусмоллаб, турли идораларга гоҳ ошкор, гоҳ яширин хатлар йўллашни авж олдирдилар. Худди шундай мақолалардан бири «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталик газетасида босилди. «Мунаққид-шоир» ўз бухтонномасида Шавкат Раҳмонни ошкора миллатчиликда айблар ва шу йўл билан улуг миллат таҳқирланаётганлигига писанда қиларди. Шўролар қиличини қайраб турган пайт. Шавкат Раҳмон билан махсус хизмат идоралари шуғуллана бошлади. Шоирнинг шеърлари, гўзал истиоралари чиғирикдан ўтказилди. Уни Ёзувчилар уюшмасига таклиф қилишди. Ўша даврнинг машҳур шоирларидан бири унинг «туркона ҳовлилар» иборасига тўхталиб, бу «миллатчилик руҳи»даги ибора остида нима яшринганлиги ҳақида узоқ суриштирди. Тўрт томонга юборилаётган хатлар ва уларга жавоб ёзмокдан чарчаган шоир кунлардан бирида шундай деди:

– Майли, нима қилсалар қилишаверсин. Бизга бир кор-ҳол бўлса, сизлар бор-ку...

Ўшанда ҳаво намчил ва туманли эди, биз Навоий кўчасидаги нашриётлар уйининг ҳайбатли устунлари остида турардик. Шоир ғамгин ва камгап эди. У одатдагидек ерга қараб юрар, ахён-ахён бошини кўтариб диққат билан суҳбатга қулоқ тутарди. Шавкат Раҳмоннинг мудом ерга қараб ҳаёл суриб юриши, энгил бошидаги саришталик, камгаплиги, минбарларга чиқиб мушти билан тили-



ни барорбар ишлатиш одатлари йўқ эди. «Ириллаб шеър ўқиш» иборасини биринчи марта Шавкат Раҳмон қўллади. Ҳақиқатда сахнага чиқиб олгач, оламни бузиб юборадиган важоҳат билан шеър ўқувчи шоирлар ичида яшаб, фақат хомушликнигина ихтиёр қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Шоир ўша сўзларни айтгач, босиб-босиб сигарет торта бошлади. Ҳар бир сўзидан иллат қидиришга тушган кимсаларнинг кун сайин авжига минаётган тазйиқларидан толаётганлиги шундоқ юз-кўзларидан билиниб турарди.

– Сизлар тугилган муштдек бир бўлишларинг керак. Ўзаро нифок, ихтилофнинг баҳридан ўтинлар. Адабиёт миллатнинг иши. Унда маҳаллийчилик, тасодифий ҳодисалар бўлмайди. Биргина бе-маъни китобнинг зарари миллат учун юз йилларга татигувлик фожиага айланиши мумкин.

Ўшанда мен шоирнинг халтурачилик ва сохта адабиётга тиш-тирноғи билан қарши туришининг сабабини англаб етгандек бўлдим. Бугун айниқса «сарик адабиёт» бало-қазодек бостириб келган кунларда Шавкат Раҳмоннинг ўрни шу қадар билинмоқда-ки. Қаранг, адиб ва адабиётнинг чегараси қолмади. Пул, маблағи бор одамлар бугун энг истеъдодли одамларни мардикорликка ёллаб ҳам китоб чиқаришмоқда. Болалари учун нон истаб юрган адиблар улар берадиган «сарик чақа» учун адабиётимиз тарихида ҳеч қачон кузатилмаган қабоҳатга қўл урмоқдалар.

Шавкат Раҳмон адабиёт учун ҳамма нарсани бўйнига олган шоир эди. Ғаламисларнинг таҳдид ва тазйиқларидан ортга чекинадиган, кўрқиб, талвасага тушадиганлар тоифадан эмасди. Ҳақиқий адабиёт қурбонларсиз бўлмаслигини дил-дилдан ҳис қилган шоир ортга қайтишни, мурасага боришни истамасди. Зотан ўртада миллат учун ҳамиша қисмат вазифасини ўтовчи Ватан Адабиёти турарди. Ватанга тўғри, ҳаққоний, халқ адабиёти керак эди. Шавкат Раҳмон шеърни қасидабозлик, шармандали хушомадбозлик, тамаъгирлик, лаганбардорлик, ўткинчи сиёсий ўйинларга қурбон келтиришлардан асраб қолишга ҳаракат қилган ва бу йўлда кўп нарсага эришган бармоқ билан санарли ўзбек шоирларидан эди. Шоир деярли мақола ёзган эмас. (Ўш воқелари муносабати билан ёзган мақоласини истисно қилганда. Бу ҳақда кейинроқ сўз юритамиз – м.) Аммо «Ватан» газетасининг 1992 йил, 14-22 июл



сонида эълон қилинган суҳбатда у шундай деган эди: «Миллатим-нинг яхши ўғилларини, қизларини кўрсам, кайфиятим кўтарилади. Гарчи миллатнинг оёқларига қараб эмас, миллатнинг бошига қараб фикрлашга ўрганган бўлсам ҳам баъзан ич-ичимдан ўкинчлар, ғазаблар оқиб келадиган пайтлар бўлади. Чунки миллатпарварлик баланд ғоялар ва бу ғоя бугунги адабиётнинг етакчи мавзусига айланмоғи, ҳар бир ватандошимизда миллатпарварлик туйғусини уйғотмоғи зарур...» Адабиёт ва адиблик масъулиятини ана шундай англаган ва бу ғояга садоқат билан хизмат қилишни ўзининг муқаддас бурчи деб билган Шавкат Раҳмон ўзидан ҳам, бошқа қаламкаш дўстларидан ҳам шуни талаб қиларди. Жаҳон адабиётининг порлоқ сиймоларидан бири Федерико Гарсиа Лорка шеърларини аслидан ўзбек тилига ўгириб, қатор қатор бетакрор шеърӣ инжулар яратган шоир ҳали адабиётга етарлича хизмат қилмадик, деб ўкинар, ҳеч қачон катта даъволар қилмасди. Унинг тийнатиға даъвогарлик, буюкпарастлик, шуҳратға ҳарислик батамом ёт эди. У ўз авлодининг ютуқ ва камчиликларини рўй-рост айта оларди. Миллий истиқлол учун курашнинг олдинги сафида турган, тил ва тарихни оёқ ости бўлишдан асрашға бел боғлаган, халқимизнинг топтлаган ҳақ-ҳуқуқини қайтраиб беришға чоғланган, империянинг разил ўйинларини фош этиш, миллатни пахта қуллиғидан халос қилиш, болалар ва аёллар ўлими, миллий кадрӣятларнинг камситилиши каби халқимиз бошида қилич қайраб турган муаммоларға жавоб қидирган шоир ўз авлодининг нималарға қодир ва нималарда ожиз эканлигини яшириб ўтирмасди. У ёзади: «Мен мансуб бўлган авлоднинг кучли томони дадил фикр билан чиққанида, ожиз томони эса, шу фикрни ҳимоя қилишда собитликнинг етишмаслиғида бўлса керак... Мен мансуб авлод ҳали ўз вазифасини тўлиқ бажаргани йўқ...» Шоир ўз авлоди ва улардан кейин келаётган қалам аҳлининг қисматиға ҳам бефарқ эмасди: «Истардимки, бу беғараз авлод ўзлари сиғинган ғояларини, байроқларини нопокларға бериб қўймасин! Акс ҳолда, ҳар қандай баланд ғоя, ҳар қандай муқаддас байроқ кирланиб, инсонларни яхши амаллар йўлида бирлаштиришдай буюк қувватдан маҳрум бўлади. Бундан эса, Худо асрасин!»

Бугун ўша саксонинчи йилларнинг охири, тўқсонинчи йилларнинг бошида мамлакатимизда содир бўлган воқеалар хусусида



ўйлар экансиз, миллатимиз чинакам фожиалар домидан осон-омон ўтиб олганини ҳис қиласиз. 85-йилдан бошланган қатагоннинг янги оқими минг-минглаб ўзбек хонадонининг шўрини қуритишга қаратилган мустамлака сиёсати эканлиги, бу сиёсат миллат умуртқасини яна юз йилларга синдириб юборишни мақсад қилганлигини англаш қийин эмас. Миллий урф-одатларга қарши бошланган ошкора тажовуз, Масковдаги Бутирка ва Лефортова қамоқхоналарига судраб олиб кетилаётган деҳқонлар ва генераллар, парчаланиб, кун-фаякун бўлаёзган шўролар давлатининг ўлим олди талвасаси эди. Афғанистон, мангуга йўқ бўлаётган империяни «Жезотлик» сувратида тасаввур қилган шоир ёзади:

Ҳамон улуг келбат,  
ҳамон боши тик,  
ҳамон тоғни бўлар қиличин зарби,  
кутурган бу ҳанги айғир-да тетик,  
дунёга ташланар кўзи оч ҳарбий

Кўзингиз ўнгида Санкт-Петербург майдонида савлат тўкиб турган ва Осиёни буткул расво қилган, юзлаб миллатларнинг ёстиғини қуритган Бринчи Петр жонланади. Унинг такаббурона келбати, остидаги «кутурган ҳанги айғир» қилмишлари кўламига мос. Бутун мақсади, ўй-хаёли босқинчилик бўлган «кўзи оч ҳарбий» дунёга ташланмоқда. Шоирнинг ўткир мажозий тили замирида босқинчи кутурган ит, оч қашқирдек жонланади.

Икки юз йилдирки  
улашиб шўриш,  
мағлублар бошида қаҳқаҳа отар,  
ҳаттоки мангу эрк тимсоли бўлмиш  
осмон ҳам кўникиб қолди бу зотга.

Биринчи Петрнинг тажовузкорона юриши ХУ111 асрдан, у Россияни буюк империя деб эълон қилган кунидан бошланган эди. Шимолу Шарққа қараб ўз сарҳадларини кенгайтириб борган империячилар йўлларида учраган жамийки мавжудотни зеру забар қилдилар, не-не миллатлар, ирқлар, тиллар йўқ қилинди. Бутун



ҳатто отасининг исмини унутган қавмлар ўша йўқ бўлган миллатларнинг уруғ-аймоқларидир. Шоир икки юз йилдан буён дунёга гавго улашиб, мағлуб этилган халқлар мазори устида даҳшатли қаҳ-қаҳа отаётган «жез отлик»нинг қилмишларига «мангу эрк тим-соли» бўлган осмон ҳам бўйин товламай кўникиб қолганлигини изтироб билан баён қилади. Йўқ қилинган миллат ва халқларнинг тақдирига бефарқ бўлиб қолган осмон остида «жез отлик» содир қилган ваҳшониятнинг чек-чегараси йўқ. У инсоният бошига битилган ҳақиқий бало, офат.

Озми бу денгизлар,  
озми бу ерлар,  
озми тожларини узатган юртлар,  
ўз қонин симириб чириган эрлар,  
бойланган ҳурлару таланган дурлар.  
Туёқлар янчмаган нималар қолди,  
Айтарми қайтадан тирилган ёдлар.  
Турондай сарғаймиш от пешобидан  
Самовий хитоблар,  
Азиз китоблар.

Ер юзида на денгиз, на дарёлар қолди. Улар ҳамма нарсани «оналарининг маҳри»га айлантирдилар. Отлиқнинг туёғи етган ерки бор, унинг қонли тасарруфига ўтди. Отлиққа шаън-шавкатли империя керак. Империя – бу ўлим кошонаси. Унинг кўргонлари ичида зиндонлар, дорлар, куллар, жаллодлар ва маҳрамлар бор. Империя бу – оёқ остига йиқилган бошлар салтанати, тўшалган тожлар, тақдим қилинган «ҳурлар» ва «дурлар», ҳарамлар, кани-заклар, молу дунёлар... Отлиқ дунёга ов қилгани келган. Унинг туёқлари остида нималар топталиб ётгани билан иши йўқ. Шоирнинг аёвсиз тили энг қалтис мажозга мурожаат қилади ва дейди: отлиқ айғирининг пешоби борлиқни кўмиб ташлади. Бу куригувчи, қақшатгувчи ҳаром сувдан борлиқ куйиб-жизғанака айланди ва дунёнинг илоҳий дастурлари бўлмиш муқаддас китоблар «Турондай сарғайди». Ўлимнинг ҳалокатвор тасвири, кўз ўнгингизда пешобга чўмилаётган зангор водийлар, булғанган муқаддаслар, итларга таланган ҳурлар намоён бўлади. «Жез отлик»нинг дасти-



дан эллар, юртлар бедодга келган, у қаерга бормасин, қаёққа аёв-  
сиз туёқларини ташламасин фақат ва фақат қора кунларни олиб  
келади. Шоир «жез отлик»нинг сурункасига икки юз йилдан буён  
давом этаётган «шўриш»и ниҳоят одам фарзандларини ҳаттиқ ҳол-  
дан тойдирганини баён қиларкан, хитоб қилади:

Бас, телва сувори,  
ҳаддингдан ошма,  
кутурган айғирнинг жиловини торт,  
икки юз йилларки эллар бошида  
туёғини қайрар бу даҳшатли от...  
Жез отлик ўзини уради ҳар ён –  
Машъум салтанатнинг соҳибқирони,  
Чайғалар буғилган бир баҳри фарёд,  
Бўридай эргашар эл интиқоми.

Империя сўнгги онларини яшамоқда. Ҳар ненинг ниҳояси  
бўлганидек жез от ва аёвсиз суворийнинг ҳам умри санокли. Икки  
юз йил қон баҳри гулдираб оқди, икки юз йил миллатлар мазори-  
стони кенгая борди. Етар. Шоир «телба» сўзини атай «телва» тар-  
зида қўллайди, чунки оддий туронликлар тилида «телба» «телва»  
шаклида истеъмол қилинади. Модомики гап оддий халқ ҳақида бо-  
раётган экан унинг шевасида гапирган маъқулроқ туюлади. Бу ҳол,  
умуман, Шавкат Раҳмон шеъриятига хос ҳодиса. У кутилмаган  
мажозлар қатори жуда кам истифода этиладиган гавҳор сўзларни  
топиб, уни мавзун сатрлари орасига киритишни суяди. Ижтимо-  
ий-сиёсий мавзу азалдан шеъриятда бор ҳодиса. Шоирлар ҳами-  
ша даврнинг муҳим ҳодисаларига ўз муносабатларини билдирган-  
лар. Шеърда ижтимоий мавзун қўллашнинг турли услублари бор.  
Ўзбек шоирлари муайян замонларда бу мавзуга ўзига хос тарзда  
мурожаат қилганлар. Масалан, коллективлаштириш авжига мин-  
ган ва адабиёт сиёсий ҳаётнинг ажралмас бир жузига айланган  
йилларда муҳим воқеаларни баланд пардаларда тараннум этиш  
бора-бора адабий услубларнинг заифлашишига олиб келди. Ада-  
биёт сиёсат арбобларининг дидига мослаша борди ва натижада  
ўзининг асл қиёфасидан маҳрум бўлаёзди. «Жез отлик» мазмунан  
сиёсий шеър. У икки юз йилдан буён давом этиб келаётган Русия-



нинг мустамлака сиёсатига қарши қаратилган. Аммо бу шоирнинг шунчаки норозилик баённомаси эмас. Баённомалар билдириш адабиётнинг вазифасига кирмайди. Сиз Петербургнинг қандайдир майдонида ҳайбат солиб турган «жез отлик»ни тасаввур қиласиз ва кўз ўнгингизда тарихий панорама жонланади. Тулпорлар туёғининг гумбурлаши, қиличларнинг жаранги, совут кийган лашкарлар, уларнинг ваҳший нигоҳлари. Манзара тобора кенгая бориб, ниҳоят шундай миқёсга етадики, гўё борлиқ бу йиртқич отнинг пешобига чўмилиб ётган сап-сарик ҳовузга айланади. Шеърый сатрларнинг қуйма оҳанги, кутилмаган ташбих ва истиоралар манзарани тўлиқ тасаввур қилишингизга кўмаклашади. Саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмида яратилган бу шеър Шавкат Раҳмоннинг империя таназзули ҳақидаги ўзига хос башорати эди, десак муболаға бўлмайди.

...Сахрода кўринар тагин Тўмарис,  
тагин бир кўзгатар сабр тошини,  
бу сафар мешгамас,  
қон денгизига  
отар бу зобитнинг оғир бошини...

Бу – Шавкат Раҳмоннинг шеърый башорати эди. Империя пойтахтида яшаб кўрган шоир унинг нималарга қодир эканини яхши биларди. У миллатининг Тўмарислар каби ўлмас руҳи кўзголиб бир кун икки юз йил чўзилган бу асоратдан халос этишига ишонарди. Фақат шундай руҳгина руҳсиз жасаддангина иборат «жез отлик»ларни мағлуб қилишини чуқур ҳис қилган шоир унинг муқаррар ҳалокати ҳақида хабар беради. Миллатнинг тўмарисона руҳи бу «зобит»нинг тошдек зил-замбил бошини мешга эмас, балки унинг ўзи яратган сўнгги йўқ қон денгизига улоқтириб ташлайди.

Ватанга, унинг ҳар зарра тупроғига фитрий муҳаббат ва эътиқод Шавкат Раҳмон шеърларининг бош фазилати бўлиб қолди. Шоир охирги лаҳзаларигача буюк Туркистон бирлигини орзу қилиб яшади. Юқорида эслатилган суҳбатда у шундай деган эди: «Атиги беш-ўн йил илгари мафкурачилар Туркистон ғоясини ўлик ғоя деб тарғиб қилардилар. Биз бу мухтарам акахонлар ўз халқи-



га, ватанига шу қадар зарар бериш санъатини қасрдан, қандай қилиб ўрганиб олдилар экан, деб ажабланардик. Вақт ҳар бир нарсани ўз жойига қўяди. Сунъий аралашувдан бузилган қадриятлар аслиятига қайтади. Янги иқтисодий, сиёсий шароитда қадим Туркистон ўлкасининг қариндош халқлари бир-бирларига астойдил талпина бошлади. Беш республиканинг кучли зиёлилари бошини қовуштириш орқали бошқа соҳаларни ҳам яқинлаштиришни шароит талаб қилиб турибди. Ички ва ташқи сиёсатнинг мувофиқлаштирилиши, нарх-наво, солиқ, бож сиёсати, коммуникация, умумий чегара, бирлашган армияга доир масалалар ҳал қилинса, Туркистон ўлкасида азалдан истиқомат қилаётган халқларнинг туб манфаатларига мос келмайдими? Хитой билан Россия оралиғида пировард натижада ҳар томонлама ривожланган, ўзининг илғор, инсонпарвар сиёсати билан жаҳон ҳамжамиятига таъсир қилаоладиган ягона сиёсий маконнинг барпо бўлишидан ҳаммамиз манфаатдормиз».

Буюк Турон кенгликларида  
кўмилиб ётибди ҳадсиз хазина,  
кўмилиб ётибди йиллар қаърида  
хазинага туташ саноксиз зина...  
Адашдим,  
руҳимда парокандалик  
кўп сирли асрлар шабистонида,  
кезгандай бўламан азиз битиклар,  
донишманд элларнинг қабристонида...

Ватан тушунчаси куни кечага довр шу қадар мавҳум эдики, унинг сарҳадини белгилаб олиш учун шоирлар ҳам жуғрофий аталмаларни қалаштиришдан нарига ўтмасдилар: «Хадрадан Арбатгача, Ўшдан тортиб то Сибир, Бутун сайёра бўйлаб бўй таратган муаттар, Шу Ватан бизникидир, шу Ватан бизникидир...» Асл Ватан тушунчаси ўлиб бормокда эди. Шоир «буюк Турон кенгликларида» дафн этилган ҳад-ҳисобсиз миллий «хазина»ларни қидиради. Аммо улар шу қадар чуқурликка дафн этилганки, сон-саноксиз зиналар билан унга томон тушилади. Бу хазина – пароканда қилиб ташланган Туроннинг шонли ўтмиши, унинг яловбардор,



туғбардор халқи, дунё халқларига сабоқ берган донишмандлари, маърифати ва маданияти. Ўтмиш агар тарих нуқтаи назаридан баҳо берадиган бўлсак жуда нисбий тушунча. Биз уни оддий қоғозларга қайд қилинган «материал» сифатида қабул қилишга ўрганиб қолганмиз. Аслида у жонли вужуд бўлиб, ҳали-ҳануз қони силқиб турибди. Уни на яшириб бўлади, на йўқотиб. Танангиздан силқиб оқиб турган қонга эътиборсиз бўлишингиз мумкинми? Худди шу жароҳатини унутган халқлар бора-бора ўз вужуди узвидан айрилади, яъни ниҳоят у чирий бошлайди ва кесиб ташланади. Тарихсизлик, хотирасизлик шу нуқтадан бошланади. Шоир худди мозийга бефарқлик ва лоқайдлик туфайли келиб чиққан кулфатлардан огоҳ этади:

Халқлар инжуларни ўтмишларидан  
зарралаб-зарралаб терган пайтида  
биз ногоҳ шамолда очилиб қолган  
қанча жавоҳирни кўмдик қайтадан.  
Бу қуллик белгиси  
ёки кўрликми,  
ё банди бўлдикми ҳирс, таъмаларга,  
ўзгага тутдикми жавҳар ўзликни,  
кўркдикми одамхўр маҳкамалардан?!

Мутараққий халқлар ўз тарихлари ва тарихий хотиралари туфайли инсоният тараққиётининг баланд зиналарига чиқиб олдилар. Улар ўзиникини бировга садақа қилмадилар, бировникини ўзники қилмадилар. Ўғирланган шон-шуҳрат билан узоққа бориш мумкин эмас экан. Бугун дунё хазиналарига сочилиб кетган буюк Туркистон тарихи, унинг муқаддаслари ҳақида сўз юритган тарихчилар ёқаларини тутиб қолмоқдалар. Бу тажовуз ва ўғрилиқнинг умумдунёвий сувратига қаранг. Бир одамнинг чўнтагига қўл тиккан кисавур умрининг фалон қисмини авахтада ўткарсаю, бутун миллат тарихини талаб кетган ўғрилар уларни ўз сандиқларида сақласалар. Мана бу рақамларга эътибор беринг-а: Нью-Йоркдаги «Метрополитен» музейида темурийлар даврига оид қуйидаги тарихий ашёлар (уларнинг таъбири билан айтганда, экспонатлар) сақланмоқда: медальон, муҳр, пичоқ, ханжар, олтин ва кумушдан



ясалган, қимматбаҳо тошлар билан безатилган қилич дастаси, бронзадан ишланган кўзачалар, олтиндан ясалган узуклар, билак узуклар. Улуғбек Курагоний деб ёзилган, нефритдан ишланган кўзалар ва бошқа буюмлар. Бостон музейида: патнис, қадахлар, вазалар, кўзалар, сиёҳдонлар ва калит. Буюк Британия музейида: инглиз қироли Генрих 1У нинг Амир Темурга ва Мироншоҳга юборган мактублари нусхалари. Франциянинг Лувр музейида: Амир Темурнинг Карл 1У га йўллаган икки мактуби, исфаҳонлик уста Изаиддин ибн Тожиддин ясаган бронза шамдонлар (1397). Россия, Санкт-Петербург Давлат эрмитажида: Темурнинг ўғли Мироншоҳнинг номи ёзилган узук, Шоҳруҳнинг хотини, Улуғбекнинг онаси Гавҳаршодбегимнинг муҳри... Бу рўйхатни истаганча давом эттириш мумкин.

Ватаним дейман-у, бағрим қон бўлар,  
Бу қандай ватанки,  
Хоки бирикмас,  
Буюк Турон кенгликларида  
уруғлар бир-бирин еди тириклай.  
Бу қандай ватанки,  
✓ шоҳизиндалар  
бир ғариб элининг орини сотса,  
шоирлар салтанат зиналарида  
мансабу мартаба тиланиб ётса.  
Эй, сиз, адашганлар...  
Элнинг қонида  
наҳотки самовий чечаклар сўлган!  
Илож қолмадими жанг майдонида  
Оллоҳу акбар деб ўлишдан бўлак?..

Тарихий тараққиёт, миллий маърифат кўзларини кўр қилган ҳодиса – ихтилоф, ўзаро душманлик, тукқан-туғишганларнинг адовати, танглик ва торлик, бойлик, молу дунё учун мурасасиз кураш, тожу тахт, давлату сарват учун олиб борилган жангу жидоллар. Буюк Туроннинг мудҳиш фожиаси шу!.. Тақдир тақозоси билан ватанга соҳиб чиқиб қолган шоҳу шоҳзодалар, амиру умаро,



хону хоқонлар билибми-билмайми халқ тақдирини от жilовини кенг саҳрода истаган томонга буриб солгандек ҳал қилдилар Улар учун миллат ва халқ тақдири ҳарам ва ётоқхона оралиғида ҳал қилинадиган шахвоний ҳодисадан ўзга нарса эмас эди. Ана шунинг учун олим ва фозиллар, шоир ва адиблар уларнинг остонасида парча нонга зор қилинди, фақат илоҳий ҳақиқатни ёзишга буюрилган қалам уларнинг оёқларини ялашга, тўпиғларини ҳидлашга бошладди. Тарихлар «фалоннома» ва «писмадоннома»лардан нарига ўтмади. Иблислар малакка, итлар, кўйга, қашқирлар жайронга айлан-тирилди.

Эй, элим,  
қачондир бир гала бедил  
кўксингдан дилингни суғурган маҳал  
нега шол юзингни бурдинг тескари,  
нега тирик қолдинг ичмасдан заҳар?!

Эл-юрт қисмати отнинг охирги туёқлари, аслида азал итнинг кейинги оёғи эди, холос. Аммо нега бу халқнинг бошига мудом кўргиликлар тоши ёғилиши керак? Нега у ўзиникига ҳам, ўзгага ҳам фақат кул бўлиши керак? Сабаби: «қачондир бир гала бедил» унинг кўксидан қалбини юлиб олган! Шоирнинг алам-изтироби шундан. Кўнгли суғуриб ташланган халқ билан қандай яшаш мумкин? Ахир, у тўда, гуруҳ, қабила, эмас, халқ! Ҳазиналари талон-тарож қилинган, ташиб кетилган, ўғриланган, топталган, маънан ва руҳан ахта қилинган. Ҳазиналарини топиб бориш учун ер қаърига сон-саноксиз зиналар оша тушиши керак. Шавкат Раҳмон ҳаётининг сўнгги лаҳзаларигача бир жумбоқни ечишга уринди, бедаво дард оёқ-қўлларини кишанлаб, бир қултум ҳавога муҳтож қилиб кўйганда ҳам ана шу ниятдан қайтмади ва бу ечувсиз муаммони ўзи билан тупроққа олиб кетди. Муаммо – Шарқнинг бир-бирига қон-қардош халқлари ўртасидаги сунъий тўсиқлар, сунъий бегоналик эди. Ўша пайтда қўлига тушган қандайдир англаб бўлмас исм (Р. Масов – м.) соҳибининг «Болта билан каллаклаш» китоби-ни ўқиб чикқач, маҳаллий муаллифнинг майда миллатчилигидан шу қадар изтиробга тушган эдики, хийла маҳалгача ўзига кела ол-



май қийналиб юрди. Тийнати пок шоир оддий қаламкашнинг тирик ва ҳаққоний фикрларидан ёш боладек қувонар, том-том китоб чиқариб, миллат ва ватан туйғусини мансаб-мартаба учун қурбон келтирадиган, бутун ижодини мукофот даъвосига тиккан, мой унадиган воситаларнинг ҳамма нуктасига пахта кўйиб юрадиган хоин шоирлардан жирканар, адабиётни ҳалоллик ва софлик майдони деб англай, шу ғояга ҳаётини тикканди. Шавкат Раҳмоннинг муросасизлиги, ҳар нечук пасткашлик ва мунофиқлик билан мутлақо чиқишолмаслиги унинг ҳар бир сатрида, ўша сатрларда уфуриб турган валиёна нафасида, шеърларининг гоҳ кўтарилиб, гоҳ яна шиддат билан пастга энгувчи оҳангида, гоҳ фожеий, гоҳ жанговар айқириқларида, ҳар бир бўғинида, баъзан оч, баъзан тўқ қофияларида баралла сезилиб туради. Шавкат Раҳмон шеърияти зарб шеърияти, юрак титроғи, тафаккур шуълаларидан қуйилган шеърят. Одатда бир сатр шеърни ойлаб ёзадиган, бир сўз ё иборани ойлаб тусмоллаб қидирадиган, луғат титкилайдиган шоирлар бор. Бу ҳолни улар ўзлари эътироф этадилар. Эҳтироси сўниб, илҳоми тош қотиб бўлганидан сўнг, орадан бир ой ўтиб ниҳоят топиб олган сўзини шеърга ёпиштирадиган шоирлар Шавкат Раҳмон шеърларини тушунмайдилар. Бу шеърят ҳеч муболағасиз фақат турк-ўзбек адабиётдагина эмас, жаҳон адабиётида ҳам том маънодаги янгилик эди. Аммо, афсуски, Шавкат Раҳмоннинг вафотига ўн йил тўлаёзган бўлишига қарамай бу бетакрор шоир ижоди ҳақида на адабиётшунослик, на мунаққидлар лом-мим демадилар. Аслида ҳам Шавкат Раҳмон ижоди ҳеч кимнинг назар-эътиборига муҳтож эмас. Муҳтожлар мунаққид ҳам топадилар, адабиётшуносликни ҳам ёлпи ёллай оладилар. Керак бўлса, улар ҳақида китоблар ёзилиб, тадқиқотлар олиб борилади.

Саксонинчи йиллар шеърияти ўзбек адабиётида махсус даврни ташкил қилади. Октябр инқилоби билан бошланиб тарихни терс айлантирган ва қарийб бир аср давом этган мустамлака шароитида яшаган халқлар ўтган асрнинг сўнгги ўн йилликларидан бошлаб бу ҳолга ортиқ дош бера олмасликларини англаб етдилар. Ер куррасининг олтидан бир қисмида яратилган поёнсиз ГУЛАГнинг умр шоми яқин қелмокда эди. Ўша йиллар Масковда ўқиб келган бир гуруҳ ўзбек ижодкорлари бу ходисани «ичкари»да ҳамон «Ватаним СССР, гулшаним СССР» деб шеър ёзиб юрган шоирлардан



кўра чуқурроқ ҳис қилардилар. Саксонинчи йиллар шеърятти ғоявий ўзгаршиларни бошлаб берган давргина бўлмай, у шеърда шаклий ўзгаришлар ясаган давр бўлди. Шеърят минбардан пастга тушиб, одамларнинг бевосита ўзи билан мулоқот қилишга киришди. Кескин шаклий тажрибалар билан бирга бошланган сиёсий курашлар даврнинг энг долзарб масалаларини майдонга олиб чиқа бошлади. Худди шу даврнинг қайноқ қозонида пишиб етилган шоирларнинг тўнғич бўғинида Шавкат Раҳмоннинг ҳам номи бор эди. Шавкат Раҳмон шеърятга нима олиб кирди? Унинг шеърлари ўз салафлари ва тенгдош шоирлар шеърдан нимаси билан фарқланарди? Шавкат Раҳмон ижодининг саксонинчи йиллар адабиётидаги мавқеи қандай эди? Шоир шеърятининг кейинги бўғин шеърятига таъсири нималарда кўзга ташланарди қабилида савол қўйиладиган бўлса, унда қуйидаги манзара ҳосил бўлади. Ғоявий жиҳатдан Шавкат Раҳмон шеърятти мурасасиз шеърятдир. Бу шеърят содир бўлажак инқилобий ҳодисаларнинг ҳудайчиси сифатида мустамлака зулми остида эзилган халқимизнинг фожиа аҳволини кескин очиб ташлади ва уни аёвсиз танқид остига олди. Бироқ бу танқид фақат «падарингга лаънат»дан иборат бўлмай ўта таъсирчан ва бетакрор тилда ифоланган жонли, тирик шеърлардан иборат эди. Шавкат Раҳмон мустамлаканинг туб сабабларини очиб ташлар экан (бунга юқорида қисман гувоҳ бўлдик) тарихийлик мезонига қатъий амал қилади. Яъни, тарих сахнасида миллат ва халқ нималарда ижобий ва нималарда ўта салбий рол ўйнади? Тарихнинг яратувчиси бўлмиш халқнинг миллий тарих олдигаги масъулияти нималардан иборат бўлиши керак эди? У, энг аввало, ана шу саволларга жавоб ахтарди. Миллат бахтсизлигининг ички омиллари нималарда эканлигини кўра билди ва уни шаффоф поэтик тил билан ифодалай олди. Шакл жиҳатидан Шавкат Раҳмон шеърятти анъанавий бўғиннинг батамом янгича кўриниши эди. Унинг шеърларида турдош ҳарфлар билан бошланувчи сатрлар, тутиқ белгиси, сатрларни синдириш ва шу билан шаклнинг таъсирчанлигини ошириш, воқеабандлик, энг муҳими, баланд, жўшқин эхтироснинг синтези яққол кўзга ташланади. Шоирнинг бирор сатрини лоқайд, ёхуд шунчаки дафтарга қайд қилиш учун ўқиб бўлмайди. Аслида ҳам Шавкат Раҳмон шеърлари огир ўқилади. У ўта бурро тилни тақоза қилади. Силлиқ ишқий шеърларни,



баландпарвоз қасидаларни ўқишга мослашган тиллар бу шеърӣ сатрларни талаффуз қилишда бир неча марта тилини «синдириши» лозим бўлади. Шунинг учун Шавкат Раҳмоннинг тўрт қатор шеъри ҳам на замонавий, на эстрада, на мумтоз қўшиқчилар томонидан куйга солинган эмас. Бу шеърӣярга хос бастакор ва хос овоз керак. Агар Шавкат Раҳмон шеърлари асосида тасвирий санъат асари яратилса, у Сальвадор Далининг эмас, эҳтимол Ван Гогнинг манзараларига ўхшаб кетган бўларди. Агар Шавкат Раҳмоннинг шеърӣяти асосида мусиқа ёзилса, у шубҳасиз Бетховен мусикаларига ўхшаш бўларди. Агар бордию уни ижро этиш лозим бўлганда фақат Паганини ижро этиши мумкин эди, холос. Зотан, ўта миллий шоиримиз энг гўзал умуминсоний ғояларнинг бетакрор мусаннифи эди. Сиз, агар шеърӣ дид ва фаросатингизга шубҳа қилмасангиз, мана бу сатрларга эътибор беринг-а:

Дунёга сиғмадим,  
сиғмади дунё  
ғурбатдан торайган табиатимга,  
қоп-қора чечакдай сочилмиш хулё  
жўмардлар кўмилган тариқатимга.

Дунёга сиғмаслик ва дунёнинг инсон табиатига сиғмаслиги буюк руҳлар оламида кечадиган тазод ҳолат. Дунёга сиғмаслик — унинг кенг бағрида тордан-тор, майдадан-майда кимсаларнинг яшайётганлигидан, бу кимсалардан ўтиб юқорироқ ва кенгроққа назар соладиган бўлсангиз, гувоҳ бўладиган манзарангиз ундан-да даҳшатли. Бундай дунёга сиғмаган одамнинг табиати дунёни сиғдира олмайди. Сатрлар оқимининг қуйилиб келиши тонгги шабадага, тунги дарёлар товушига, ой ва юлдузларнинг сокин сузишига менгзайди. Шеър юракдан қуйилиб келмокда, шоир кандакордек қўлига пойтеша олиб сўзларни чопмайди, уларнинг оёқ-қўлини каллакламайди. Эҳтироснинг ўзи сатрларни ясайди, сатрлар ичида сўзлар эса ўзини ўзи топиб келади.

Майлига,  
чечаклар қоп-қора бўлсин,  
йиқитса, шу йўлда йиқитсин тақдир,



қуртлаган истаклар шуъласи сўлсин,  
худойим сийлаган хурлигим яхши.

Шоирнинг «жўмардлар кўмилган тариқати» нима? Тариқат йўлида фақат худонинг мардлари — валийуллоҳлар юради. Тариқат аҳли — мардлар, солиҳлар, сиддиқлар, поксириштлилар. Бу тариқат бугун жўмардлар кўмилган қабристон. Ундан хулё қолган ва у ҳам қоп-қора чечакларга ўхшайди. Қоп-қора чечаклар ҳам Шавкат Раҳмон илк бор шеърӣ тил истеъмолига олиб кирган ибора. Сиз қоп-қора чечакни тасаввур қиласиз. Қаранг, қип-қизил чечаклар бор, аммо қоп-қораси нима? Афсуски, бундай чечаклар фақат одам юрагида ўниб, гуллайди. Дарвоқе, ёдингизга «Гуллайётган тош» тушди. Тошлар гуллайди. Улар қояларда йўлбарс пўстини ёпиниб керилишидан ташқари, руҳан чунон ҳам гуллайдики, тасаввурингиз яшнаб кетади. Аммо шоир «қоп-қора чечаклар»дан рози, зотан қорами, қўнғирми, улар қабристонга сочилиб ётибди. Демак, уни иблислар сочиб кетган тақдирда ҳам бари бир чечак. Қоп-қора чечак. Иборанинг фавқулодда гўзаллигини ҳис қилаётгандирсиз. Шоир жўмардлар йўлидан боришни истайди, агар унинг сўнгида ўша сиз ҳам суйиб қолган чечаклар сочилган мазор бўлсада. Зеро, «қуртлаган истаклар» унга керак эмас, унга бундай истаклар билан яшагандан кўра, қурбон бўлган афзал, аммо жўмардлар қаторида. Қоп-қора чечаклар ёйилиб ётган марди майдонлар сафида. Зотан, унга худо берган, худо «сийлаган» хурликдан, озодликдан ортиқ бахт йўқ.

Бичилган қулларнинг,  
қулзодаларнинг  
малак сиймоларин ўйнатган дунё  
яралган лаҳзадан хур одамларни  
иблислар тилида сўйлатган дунё.

Бу сўзлар тизими мусиқаси, залвори, оҳанги, аччиқ ва оғир. Абгор мусиқачининг кўлида камонча. У — аҳли тариқат. Ана шундай даҳшатли куйни чалиб бормоқда. Дунё азалдан қуллар ва қулдорлар муносабатидан иборат. Қул ҳам одам, аммо унинг ҳеч қандай инсоний ҳақ-ҳуқуқи йўқ. Хўжаси унинг Худо берган ягона им-



тиёзидан ҳам маҳрум айлаган ва бичиб ташлаган. Дунё Хайём ибораси билан айтганда, қўғирчоқбоз. Ҳайнати, ҳайнаверади. Қул ҳайни ва хожа ҳайни. Аҳталанган қуллар ва «қулзодаларнинг маляк сиймоларин» ҳайнашини томоша қилинг. Ҳўжалик даъвосини қилганлар ҳўларига қул ёллаганлар, балки сотиб олганлар. Ахир, бир замонлар одамлар қул қилиниб, очик-ошкор бозорда сотилган-ку. Шоир Қуръон таъкидлари замиридаги ҳақиқатга ёвуқ келади. Буёқ осмоний китоб огоҳлантиради: «Эй одамлар, иблис сизнинг душманингиз! Ундан ҳазир бўлинг!..» Аммо иблисга ҳам одамни қиёматга доғур минг куйга солиш имтиёзи берилган. Хоҳлаган ишига қодир иблис ва иблисзодалар орасида қолиб кетган маъсум инсон оловдан яралган хилқатнинг макрига доғ бера олмади. Уни ҳар қадамда таъқиб қилди, алдади, авради, айтганини қилдирди, хуллас, одам боласидан иблис ясади. Бу синов оламида иблис қутқусига учмаган одамлар камдан-кам топилади. Зеро, унинг ҳам чек-чегарасиз имтиёзи ва қудрати бор! Шоир тўрт ёнда авжига минган иблислар базмига дуч келади. Ҳақсизлик, фирромлик, мунофиқлик, сотқинлик, бу ҳам етмагандек, асрий асоратлар. Дунё ана шундай макру ҳияллар манзили:

Чиройли эрмаклар маҳзанидир ул,  
мағизи қайғудан,  
пўстлоғи зардан,  
сарғарар очилмай туриб қизил гул,  
тупроғи жимгина қусган заҳардан

Дунёнинг энг қисқа ва ҳиққоний таърифи — ана шу! Ялтироқ гап-сўзлар, ёлғон шиорлар билан алданиб келаётган оломон. Уни мана, неча минг йилдирки аҳмоқ қилишади. Ёлғонлар сургучини оғзига солиб қўйишган. Оломон тамшанади. Унинг кўзларини ҳайнатиб ялтир-юлтир ашёларни кўз-кўз қилишади. Ҳамма нарса сизлар учун. Ҳалқ бахт саодати учун, болалар, аёллар учун дейди дунё аҳли. Улар қачондир маккор пирлари яратган йўл ва услублардан устамонлик билан фойдаланади. Қаранг, алдовнинг энг олий усули: гўё ҳамма нарса халқнинг болалари учун эмиш. Овсарлар эса бунга ишонишади ва бешик юргаклари, ҳидланган латталарини чаяётган, йигирма ёшида қартайиб қолган хотинини ҳам ишон-



тиради. Ҳали ёшариб кетасан, фалончи бойнинг қизидек, дейди овсар. Дунё ўз-ўзича маккор эмас, уни маккорлар бошқаришади. Алдов, макр ва ёлгонлар билан. Зотан бу ёлгонлар – «чиройли эрмаклар» одамнинг эсини оғдиради. Уни англашнинг ўзи муаммо. Муаммолиги боисидан одамлар уни ҳеч қачон тушунишмайди ва ҳаётнинг мураккаблигидан нолишади. Аслида «мағизи қайғудан» ва «пўсти зардан» ясалган дунё эрмакларининг ҳақиқатини ангаб етиш мушкул савдо. Буни ҳамма ҳам англаб етолмайди. Биз овсарлар ҳаётнинг мураккабликларидан нолиганлари хусусида гапирдик. Аслида ҳаётга асос солган Буюк Муаллим уни бир ЭР ва бир АЁЛдан яратган. Ўртада ҳеч қандай муаммо йўқ. Буюк Муаллим уларга вақт-вақти билан тўғри йўлдан чалғиб кетмасликлари учун ибодат буюрган, холос. Давлат қур, даври даврон сур, бирни қул қил, бирни босиб ўлдир, бир-бирингни ғорат қил, тала, топта, демаган. Бу мудҳиш мураккабликлар Буюк Муаллимнинг иши эмас. Бу – иблисга қўл берган одам фарзандларининг амали!

Чайқалар жаҳолат оғочларида  
неча минг Машрабу  
Мансури Ҳаллож...  
ҳамон юксалади йўл бошларида  
одамзот қонига тўймаган жаллод.  
Токай бу иблислик,  
токай бу ёлгон,  
токай тиг кўтарар қора гуруҳлар,  
токай бижғиб ётар ғариб аламон,  
ичига тириклай кўмилган руҳлар.

Юқоридаги манзаранинг дақиқ поэтик тасвири. Жаҳолат олами ўз сирларини пинҳон сақлайди. Жоҳиллар ҳамиша этаклари кўтарилиб, фош бўлишларидан кўрқадилар. Бордию, минг, миллионлар ичидан бир ҳақгўй чиқиб, уларнинг юзидаги қора шалток пардани кўтарса, худо урди. Дор оғочи тайёр. Гувоҳ ҳам бор, фатво ҳам бор. Жаллод эса тўлиб ётибди. Жаҳолатнинг кўркинчили томони шундаки, у ҳеч кимга шафқат қилмайди. Машрабни осад ва унга шундай фатво топадики, аламон яна минг йил дор оғочи-га осиб, азойи қилиш учун янги бир Машрабни қидиради. Мусул-



мон Ҳаллоҷ бир кечада минг ракъат намоз ўқирди, уни беш маҳал намозни ёлчитиб ўқий олмайдиган шариат аҳли дорга осди ва шу йўл билан ҳақиқатнинг кўзини кўр қилмоқчи бўлди. «Ғариб аламон» эса, «ичига тириклай кўмилган руҳлар» билан «бижғиб» ётибди. Аччиқ истиоралар ногоҳ кўзингизни очиб юборади. Сўзларнинг кескин хуружидан довдираб қоласиз. Шоир бу «бижғиб ётган аламон»нинг нажот йўлини қидиради.

Зулфиқор руҳ керак,  
керак чин ёғду,  
чин ишқ ёлқинлари бағримга тўлсин,  
жисмимни тобласин фақат чин оғриқ,  
чечаклар қоп-қора бўлса-да бўлсин.  
Бағри кенг худойим  
кечириб кўяр,  
йиқилсам етмай ул ҳақиқатимга,  
кўмилсам, кўмилай ўлими гўзал —  
жўмардлар кўмилган тариқатимга.

«Зулфиқор руҳ» ибораси ҳам Шавкат Раҳмон мажозлари силласидаги энг гўзал топилдиқ. Шеър жисмини ғоят нажиб, кутилмаган, оригинал мажоз ва истиоралар билан жонлантира оладиган шоир ҳар бир шеърда камида беш-олтита ҳеч бир шоир ҳеч қачон қўлламаган мажозни топиб, уни ўз ўрнида моҳирлик билан қўллайди. Агар бордию танқидчилик эринчоқликни бир четга йиғиштириб қўйиб, холисанилло тер тўкса, ўзбек шеъриятида чинакам ҳодиса бўлган шоирнинг ижодий сир-асрорлари олами уларга шундай ҳайратли чечакларни тақдим қиладики, узоқ вақтгача унинг таъмини унута олмайдилар. Ноумид шайтон. Ўша кунлар ҳам келар. Юқорида назардан ўтказилган шеърнинг номи «Тариқат» эди. Тариқат — тор маънода йўл, равиш. Кенг маънода тасаввуф маъносини англатади. Аммо бизга англаниши қийин бўлган ва ханузгача нима экани биров ёлчитиб исботлай олмаётган «тасаввуф»дан кўра «тариқат» яқинроқ. Шавкат Раҳмон табиатан тариқат аҳлига мансуб эди. У ҳарчанд ҳеч қачон бирор сулукка ёхуд бирор пирга қўл бермаган бўлса-да, табиатан суфиймижоз эди. Кунларининг бирида испаниядан келган бир гуруҳ меҳмонлар



Шавкат Раҳмонга тариқат аҳли зикрини ўз кўзлари билан кўриш имкониятини яратиб беришини илтимос қилишади. Испанларнинг Лорка шеърларини аслиятдан таржима қилиб юрган буюк Нақшбанд ватандошидан тариқат аҳли зикрини сўрашлари бежиз эмасди. Зеро, буюк суфийлар ва салафлар ватани бўлмиш Бухорои шариф дунёга донг таратган тариқат мактаби намоёндаларининг хоки покидир. Шавкат Раҳмон ўша пайтда бир кур Тошкентга келиб Ҳасти Имом масжидида катта зикр ҳалқаси ташкил қилган «қодирия» сулуки зокирларининг зикридан хабардор эди, аммо таассуфки бу зокирларнинг муршиди ҳазрат Муҳаммаджон махсум (Оллоҳ раҳмат қилсин) Тожикистонда истиқомат қилардилар ва аксарият муридлари ҳам ўша ерлик эди. Шавкат Раҳмон менга мурожаат қилди. Мен ўша заҳоти Тожикистонга бордим ва ҳазрат шайхдан зикр ҳалқаси тасвирланган ведиятасмани олиб келиб бердим. Испанлар тавирни кўришгач, жуда хурсанд бўлиб, ватанларига қайтиб кетишди. Ҳақиқатда, юқорида айтганимдек, Шавкат Раҳмоннинг бирор тариқат мактаби билан махсус шуғулланганлигини билмайман, аммо, Шарқ фалсафий мактабларининг катта билимдони бўлган шоирнинг тасаввуфга қизиқмаганлигига ишониш қийин. Ҳар бир сатридан жазаба ва зикр уфуриб турган шоирнинг покиза тийнатида суфийликка ботиний майл борлигига шубҳа қилмайман. Шоирнинг «Тариқат» шеъридаги сўнгги сатрлар бежиз эмасди:

...кўмилсам, кўмилай ўлими гўзал –  
жўмардлар кўмилган тариқатимга.

Мардларнинг ўлими ҳам гўзал бўлади. Уларнинг ҳаёти ўлимдан-да гўзал. Машрабнинг ўлими, Мансурнинг ўлими, Бағдодий ва Насимийнинг ўлими. Уларнинг ўлим ҳақидаги гўзалдан-гўзал шеърий башоратлари. Агар ўлим Мансур ёхуд Машраблар сиймосида намоён бўлмаганда, у хийла тароватсиз ва даҳшатли бўлармиди?..

Туркистон бирлиги ғояси Шавкат Раҳмоннинг олий армони, шеърларининг бош мавзуси эди. У ҳар доим суҳбатларда, йигин ё анжуманларда айни ана шу нуқтага кўп урғу берарди. Геосиёсий



жиҳатдан Марказий Осиёнинг меҳварида жойлашган ва Туркистон халқларининг умид-орзуси бўлган ўзбекларнинг бу минтақадаги тарихий миссияси чандон улуғлигини теран англаган шоир халқаларимизнинг истиқбол ҳаёти бирлик ва ягоналикда эканини яхши ҳис қиларди ва ўзининг гўзал шеърларида бу улуғвор мавзунини қаламга олмоқдан чарчамасди.

Шухрати сочилди бодияларга...  
зарбадан бештага бўлинди андух.  
Йилларга ем бўлган обидаларда  
тинимсиз айланар чинқираган рух.  
Бузилди азоб-ла қурилган диллар,  
илинждан ўзга бир туйғу сигмади.  
Насабин билмаган шўрлик етимлар  
ғафлатда ухлади,  
кимлар йиғлади?

Туркистоннинг шаън-шукуҳи буюк эди. Шоир унинг тарихий шавкатидан қиссалар сўйламайди. Бу шавкат бодия – саҳроларга сочилиб кетди. Қум барханлари остида қолиб, гармселларга ем бўлди. Унинг Торобий ва Жалолиддинлари бор эди. Орияти қиличдек кескир, ватанига жонини ҳеч бир иккиланмасдан тикадиган жўмардлари бор эди. Бари тарихга айланди. Бироқ тарихни ҳам алдаш мумкин. Тўртта ёлғончи бир бўлиб, уни қайта ёзишлари, гарангсиб турган қорни оч халқни алдаши ҳеч гап эмас. Қорақум, Қизилқум, Урганч харобалари оралаб кезсангиз, аҳён-аҳён ушалган мақбара ё мазору марқаदларга дуч келасиз, улуғвор шаҳарлардан қолган ёдгорликларга дуч келасиз. Уларнинг тили йўқ, акс ҳолда оламни ҳасратга тўлдириб қон қусган бўлардилар. Босқинчиликнинг энг аянчли кўринишини бошдан ўтқарган Туркистон халқлари бу гал балойи охир замонга гирифтор бўлган эдилар. Ҳамма нарсани йўқ қилиб юборгувчи, еб-ямлаб кетгувчи бу бало Шарқнинг жонига чанг солди, унинг қалбини ўғирлади. Тўрт томонига ўт кетгандек, беёдлик тутунлари қаърида қолган халқлар ҳамма нарсани фаромуш қилдилар.



Фитналар домида пишган зулмдан  
аёвсиз босилди кўзғолган ёдлар,  
ўзликни топтаган маккор илмдан  
кулгуга айланиб кетди фарёдлар.  
Ким қолди?

Иблиснинг макрига учиб,  
қирпичок бўлгувчи аламон қолди,  
юз йиллик адоват захрини қусиб,  
қонига ғарқ бўлган ғалаён қолди.  
Ким қолур?

Ҳаттоки сўнгги лаҳзада  
кўзлари тўймаган жобирлар қолур,  
ўлим-ла ўйнашган назм авжида  
юраги ёрилган шоирлар қолур.

Сўнгги юз, икки юз йил давомида дунё харитасини қайта тузишга бошлаган авруполиклар жанубдан Осиё халқларини, шимол томондан руслар Шарқ халқларини мустамлакага айлантириш сиёсатини ишлаб чиқдилар. Ер юзи икки ирқ томонидан тақсимлаб олинди. Узлуксиз қирғинлар ниҳоясида 1895 йил Амударёда тўқнашган инглиз ва рус босқинчилари дунёни тенг тақсимлаб олганликларини тасдиқладилар ва олис чўзилган дарёни ўзлари учун чегарага айлантирдилар. «Дарёнинг нарғи соҳилидаги дунё сеники, берғи соҳилидаги дунё меники!..» Бу дарё ҳозир ҳам бор ва у ҳозир ҳам чегара. Тарих шу қадар аёвсиз синовларни бошдан кечирдики, бугун Шарқнинг қиёфаси буткул ўзгарди. Энди Амударё ўзанларга сиғмай оқар экан юз йиллик фитнага ягона гувоҳ эканлигини яшириб ўтирмайди. Энди унинг соҳилларида қолиб кетган инглиз аскарларининг бош чаноғида курт-кумурскалар яшайди. Устухонлари афғон шамолларида дарё тошларидек чарсиллаб ағдарилади. Босқинчи агар минг йил мазлумни оёқлари остига олиб босиб ётса-да, бир кун шубҳасиз шармандаларча маглуб бўлади. Қандай келган бўлса, шундай ўз инига қайтиб кетади. Шоирнинг чуқур лирик шеърларига кириб келган тарихий лавҳалар жонли ва қуюқ буёқларда тасвирланади. Тарихий мавзуга қайрилган қалами кутилмаганда шу қадар ўткирлаша борадики, сиз энди шеър ўқимайсиз, балки ўз-ўзингиз билан талаш бошлайсиз.



Ниманидир исботлайсиз, ниманидир инкор қиласиз.

Туркистон –  
тарихи ҳарбистонларда,  
тўкилиб битдими буюк қоматлар?  
Рухи дод солмасди қабристонларда  
қаддини кўтарса агар номардлар.  
Буюк рух чирқирар...  
Мудҳиш саройда  
зинодан тўралган неча даҳрий зот  
урчитар малаклар туғилган жойда  
ўзаги айниган янги махлуқот...

Амударёнинг икки соҳилида тўқнашган «биродарлар» бири Афғон чўлларига, иккинчиси Зарафшонга томон от солди. Дунё тақсимланди. Ўзи азалдан тақсимланиб келган дунё яна тархон қилинди. Бугун ўзларини инсониятнинг гултожи деб арилляётган авруполиклар бу қадар тўкис ва семиз ҳаётга нуқул ўғрилиқ ва ғоратгарлик орқали эришганларини сир сақламоқчи бўладилар ва юзингизга шу қадар ширин табассум ҳадя қиладиларки, беихтиёр куникча минорадан оппоқ саллалли муллаваччани тепиб тушириб юборган мусаввир Верешчагиннинг авлодлари наҳотки шулар бўлса, деб ўйланиб қоласиз.

Бу кенгликларда бошқа авлод, бошқа наслу насаб, яъни шоир таъбири билан айтганда «янги махлуқот» пайдо бўлди. Бу «махлуқот» ўз илдизига болта соладиган жаллод бўлиб вояга етди ва ота-бобосининг бошига болшовой деган балони бошлаб келди. Шоир айни ана шу ватанфурушларни «малаклар туғилган жойда пайдо бўлган янги махлуқот» деб атайди.

Демак, бор,  
баҳайбат зулм бор ҳали,  
ҳали бор одамни қувган овчилар,  
шундан донишлариовсару далли,  
ўғрига айланган доно тожирлар,  
шундан чумчуқюрак пошшолари гунг,  
фақирлар кўниккан бало, қаҳатга,



шундан водийларда ўсиб ётар мунг,  
хаттоки булбуллар ўхшар калхатга.  
Туркистон –  
тўзондай тўзган жигарлар,  
жигарлар йўлинда темир тиканлар,  
гадолик илмини ўргатар энди  
аждод-авлоди-ла босиб шилганлар.  
Бурғулар чириган...  
занглаган тиглар...  
итлар томоқ ичар олтин тожидан,  
мозийга тикилиб муғанний йиглар,  
шеър ёзиб ўлтирар лашкарбошилар.

Шоирнинг ўткир ва аёвсиз тили энг қалтис ташбихларни қиди-  
ради. Кўз ўнгингизда «баҳайбат зулм»нинг суврати намоён бўла-  
ди. Бу баҳайбат сурат секин-аста қўлига найза илган овчига айла-  
нади. Қуриб кетгур, бу овчи буғу эмас, одам овлайди. Қачонки,  
овчи унинг жонини олиш учун келаверса, дарҳол оёқларига йиқи-  
либ, ўзининг жонини сўраб олади-да, кўшнисининг жонини сотиб  
юборади. Юрт ҳокимлари Худоёрхондек қандайдир зобит ҳузу-  
рига бирров киришга изн сўрайди ва Русияга ҳайдаб солмаслиги-  
ни ўтинади. Салтанатни қолдириб кетаверади. Хотин, бола-чақа  
ва олтмиш арава олтин-кумушлар ҳам аллақаяқларда қолиб кета-  
ди. «Тўзондек тўзиб кетган Туркистон» қоматини кўтаролмайди.  
Шол. Зотан уни аждод ва авлоди билан босиб, еб ётган бало до-  
мига гирифтор. Ҳаммаси абас, ҳамма нарса фанога юз бурган. Да-  
вангир лашкарлардан қолган «бурғулар чириб, тиглар занглаган»,  
ҳаромхўр кўшпаклар шоҳларнинг олтин тожида ароқ сипқориша-  
ди ва тахтнинг оёқларига бавл қилади. Муғаннийлар нукул «Чўли  
Ироқ»ми, «Муножот»ними чаладилар ва ёвқур лашкарбошилар  
оёқларини сандалга тикиб «шеър ёзиб ўлтирадилар». Шаън-шав-  
катли Туркистоннинг энг сўнгги манзараси шу эди. Шоир хаёлан  
тарих сарҳадларига боради ва кўрган-кечирганларини алам билан  
ҳикоя қилади.